

**МАВЗУ: БОЛАЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИКНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИДАН
ХИМОЯ ҚИЛИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТИВОР
ЙУНАЛИШИДИР.**

*Паркент тумани адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиши маркази
боши юристконсульты
М.М.Пайзиев.*

Калим сўзлар: “Конвенция”, “бала хуқуқлари”, “тазийқ”, “зўравонлик”

“Иштирокчи давлатлар болани ота-оналар, қонуний васийлар ёки болага ғамхўрлик қилаётган бошқа ҳар қандай шахс томонидан жисмоний ёки психологик зўравонлик, ҳақорат ёки суиистеъмоллик, ғамхўрлик ёки бепарволик, қўпол муомала ёки эксплуатация, шу жумладан жинсий суиистеъмол қилишнинг барча шаклларидан химоя қилиш мақсадида барча зарур Қонунчилик, маъмурий, ижтимоий ва маърифий тадбирларни амалга оширадилар.” Бала хуқуқлари тўғрисидаги Конвенция 19-модда.

Сўнгги йилларда бала хуқуқларини ишончли химоя қилиш, уларни келажакда мустақил юртимизга муносиб комил инсон бўлиб вояга етишлари учун давлатимиз томонидан бир қатор чора тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу йуналишдаги илк қадам БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Бала хуқуқлари тўғрисида”ги конвенция мамлакатимиз томонидан 1992 йил 9-декабрда қўшилиши тарихий воқеа десак муболаға бўлмайди. Ушбу конвенцияга мувофиқ Республикамиз қонунчилигида мавжуд бўлмаган бир қатор норматив хуқуқий хужжатлар қабул қилинган. “Бала хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир. Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 31 майда қабул қилинган Сенат томонидан 2024 йил 15 августда маъқулланган “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан химоя қилиш тўғрисида”ги №996-сонли қонуни юртимизда болаларни химоя қилиш давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишларидан эканлигини номоёнидир. Ушбу қонунга кўра болаларга нисбатан зўравонлик тушунчаси келтирилган бўлиб, унга кўра, - боланинг ҳаётига, соғлиғига, жинсий дахлсизлигига, шаънига, қадр-қимматига ҳамда қонун билан химоя қилинадиган бошқа хуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиласидиган, жисмоний ёки руҳий азоб етказаётган ёки етказиши мумкин бўлган ҳамда асосий эҳтиёжларига зид бўлган, шу жумладан телекоммуникация тармоқларидан ва Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда

амалга ошириладиган, қасдан содир этиладиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) болаларга нисбатан зўравонлик деб эътироф этилиши белгиланган.

Жисмоний зўравонлик, жинсий зўравонлик, руҳий зўравонлик, ғамхўрлик кўрсатмаслик, эксплуатация қилиш ва таъқиб этиш (буллинг) болаларга нисбатан зўравонликнинг шаклларидир. Болаларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллари тақиқланади ҳамда қонун билан таъқиб қилинади.

Болаларга оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, уларни хавф остида қолдириш, ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли ҳолатда бўлган болаларга ёрдам кўрсатмаслик ҳамда зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этиш ёхуд болаларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки эркинлигига тажовуз қиласидан жисмоний таъсири ўтказиш болаларга нисбатан жисмоний зўравонлик деб эътироф этилади.

Болага нисбатан шаҳвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этиш орқали унинг жинсий дахлсизлигига тажовуз қилиш, шу жумладан номусга тегиши, жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш, жинсий алоқа қилишга мажбурлаш, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш, вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатлар ижрочиси сифатида жалб этиш, вояга етмаган шахсни жалб этган ҳолда қўшмачилик қилиш, фоҳишаҳоналар ташкил этиш ёхуд унга нисбатан уятсизбузук ҳаракатлар содир этиш, алдаш ёки ишончни сунистерьмол қилиш орқали ёхуд боланинг ожизлигидан фойдаланиб шаҳвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш, шаҳвоний шилқимлик қилиш, шунингдек қонунда тақиқланган, шаҳвоний хусусиятга эга бўлган ҳар қандай бошқа ҳаракатлар болаларга нисбатан жинсий зўравонлик деб эътироф этилади.

Болаларни ҳақоратлаш, уларга тухмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш, уларни таҳқирлаш, шунингдек болаларнинг асосий эҳтиёжларини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланган зўравонлик шакли, шу жумладан зўравонлиқдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) болаларга нисбатан руҳий зўравонлик деб эътироф этилади.

Зарур имкониятлар, билимлар ва кўнікмаларга, шу жумладан бунинг учун тегишли хизматлардан (давлат, тиббий, таълим, ижтимоий ва бошқа хизматлардан) фойдаланиш имкониятига эга бўлган ота-она (улар ўрнини босувчи ёки болага қараб турган шахслар) томонидан боланинг асосий эҳтиёжларини қаноатлантирумаслик боланинг соғлиғи, жисмоний, ақлий ва ахлоқий ривожланиши бузилишига олиб келса, ғамхўрлик кўрсатмаслик деб эътироф этилади.

Боладан иқтисодий, жинсий ва бошқа мақсадларда фойдаланиш, шу жумладан одам савдоси, ғайриижтимоий хатти-харакатларга ва тиланчилик қилишга жалб этиш, жинсий эксплуатация, шунингдек жисмоний ёки рухий таъсир кўрсатишни қўллаган ҳолда болани мажбурлаш орқали боладан никоҳга кириш ёки эр-хотин бўлиб яшаш, муайян диний таълим олиш, ҳар қандай шаклдаги меҳнатга мажбурлаш учун фойдаланиш боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига, шу жумладан таълим олишига таҳдид туғдирса, болаларни эксплуатация қилиш деб эътироф этилади.

Бир гурӯх болалар ёки битта бола томонидан бошқа болага ёки болаларга нисбатан ҳақоратли лақаблардан фойдаланиш, у (улар) билан ҳар қандай мулоқотни чеклаб қўйиш (бойкот қилиш), унинг (уларнинг) мол-мулкини олиб қўйиш ва (ёки) мол-мулкига зарар етказиш, унинг (уларнинг) ўзига хос жисмоний, психологик ёки интеллектуал хусусиятларини оммавий мухокама қилиш, унинг (уларнинг) шаъни ва қадр-қимматини камситиш ёхуд унинг (уларнинг) соғлиғи ва ҳаётига зарар етказиш, шу жумладан телекоммуникация тармоқларидан ва Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган, муттасил рухий ва (ёки) жисмоний тажовузкор таъсир кўрсатиш таъқиб этиш (буллинг) деб эътироф этилади.

Боланинг тўлақонли ривожланиши, унинг жисмоний ва рухий саломатлиги учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланиши, хавфсизлик, таълим олиш, катта ёшдагиларнинг ғамхўрлиги, ижтимоий алоқалар ўрнатиш, ҳаётий кўникмалари ривожланиши ва ўз имкониятларини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратилишини қамраб оладиган ҳаётий муҳим эҳтиёжлар мажмуи боланинг асосий эҳтиёjlари деб эътироф этилади.

Ушбу қонунинг 36-моддасига асосан зўравонликдан жабрланган болаларга ва ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган болаларга ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатиш тартиби белгиланган бўлиб унга кўра,-

Зўравонликдан жабрланган болаларга ва ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган болаларга қуидагиларни ўз ичига оладиган зарур ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатилади:

бала олган, унинг келгуси ривожланишига таъсир кўрсатадиган рухий ёки жисмоний жароҳатнинг салбий таъсирини камайтириш;

ҳаёт сифатини ошириш ва рухий-ҳиссий осойишталикни таъминлаш;

хулқ-атворидаги оғишишларнинг ёки оила аъзолари, тенгдошлари билан муносабатларидаги бузилишларнинг олдини олиш ва (ёки) уларнинг оқибатларини бартараф этиш;

соғлиқни тиклаш ва мустаҳкамлаш;

боланинг реабилитациясини ва жамиятдаги, шу жумладан тенгдошлари гурӯҳидаги, оиласий мухитдаги ижтимоий мослашувини енгиллаштириш;

зўравонлик содир этган шахсдан моддий заарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш бўйича чоралар кўриш;

юридик ёрдам қўрсатиш, ҳуқуқий ахборот ва ҳуқуқий маслаҳатлар бериш;

зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахс билан мулоқотни чеклаш ёки мулоқотга тўсқинлик қилиш;

уларнинг вақтинчалик хавфсизлигини, уларнинг парваришини таъминлаш ва парваришини амалга оширадиган шахсни тайинлаш;

хавфсиз бошпана бериш;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа чораларлардан иборатdir.

Фойдаланилган адабиёттлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси.
2. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция.
3. “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги №996-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни.